

Тошкент ш.

“12” НОЯ 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор Д.Юсупов ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган “YO'L-LOYIHA BYUROS'I” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор ш.в.б. **Ғ.Мухуддинов** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, тасдиқланган лойиҳа-қидирув ишлари манзили рўйхати ва Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 16 майдаги Лот-80852 баёнига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда 4P56 "Оқтош ш.-Янгирабат ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналидан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил “12” апрель тасдиқланган топшириққа ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, қидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертиза кўригидан ўтказиш, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, объектнинг лойиҳавий таянч нукталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш, ижобий экспертиза ҳулосасини олиш ва буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, \_\_\_\_ кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий экспертиза ҳулосасини олгандан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь. Кейинги йилга ўтса қўшимча келишув имзоланади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ ҚҚС билан 50 000 000 (Элик миллион) сўмни (шундан 2022 йил 48 000 0000 (қирқ саккиз миллион) сўми лойиҳа ва қидирув ишларини ишлаб чиқишга, 2 000 000 (икки миллион) сўми объектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 30% миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6. Экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг қурилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиб, ижобий хулоса олишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиҳа ва қидирув ҳужжатлари асосида объект қурилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўғрисида топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслиқнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслиқнинг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

### 5. Конфиденциалмаълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

### 6. Қўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олгандан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### “Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил  
йўллари қуриш ва реконструкция қилиш  
дирекцияси” ДУК

100000. Тошкент шаҳри,

Мустақиллик شوҳ кўчаси 68-уй.

Тел: (71) 237-32-04

х/р: 3045 1086 0262 6970 45 112 118 107

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

  
Директор  Д.Юсупов

### “Пудратчи”

"YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ

Тошкент шаҳар,

Мустақиллик شوҳ кўчаси, 68-уй.

Тел: 237-38-55, 237-36-69

Х/р: 20208000804010941001

АТИБ “Ипотека-банк”

Яшнобод бўлими

МФО: 00959

ИНН: 300 112 785

ОКОНХ: 66000, ОКЭД: 71110

  
Директор в.б.  Т.Мухуддинов



2022 йил "18" май даги  
45 -сонли шартномага 1- илова

## Шартнома баҳосининг келишув

### БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар 4P56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналдан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил "18" май даги 45 -сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 50 000 000 (Эллик миллион) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

#### “Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК

100000.Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.  
Тел: (71) 237-32-04  
х/р: 3045 1086 0262 6970 45 112 118 107  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014 ИНН: 304 803666  
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Директор  Д.Юсупов



#### “Пудратчи”

“YO'L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ

Тошкент шаҳар,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,  
Тел: 237-38-55, 237-36-69  
Х/р: 20208000804010941001  
АТИБ “Ипотека-банк”  
Яшнобод бўлими  
МФО: 00959  
ИНН: 300 112 785  
ОКОНХ: 66000, ОКЭД: 71110

Директор  в.б. Е.Мухуддинов



2022 йил "18" 05 даги  
45 -сонли шартномага 2- илова

4 56 "

1,5 .

**БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш (Шартноманинг 1.4 банди асосида)		Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3 банди асосида)	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	Аванс маблаги				14 400,000	
1	Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), Лойиҳа-смета ишлари, Экспертиза харажатлари	48 000,000	48 000,000		33 600,000	
2	Муаллифлик назорати	2 000,000		2 000,000		2 000,000
	<b>Жами ҚҚС билан:</b>	<b>50 000,000</b>	<b>48 000,000</b>	<b>2 000,000</b>	<b>48 000,000</b>	<b>2 000,000</b>

  
 Буюртмачи

  
 Пудратчи



Ишчи лойиҳа - смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини  
бажариш шартнома лойиҳаси бўйича

## ЮРИДИК ХУЛОСА

(Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг  
шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)

2022 йил

Тошкент

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК (Кейинги ўринларда – Буюртмачи деб юритилади) ва “YO'L-LOYIHA BYUROS'I” МЧЖ(Кейинги ўринларда – Пудратчи деб юритилади) ўртасидаги 4P56 “Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ.” автомобиль йўлининг 1.5 км.даги Нарпай каналидан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳақидаги шартнома лойиҳаси (Кейинги ўринларда – Шартнома деб юритилади)ни Буюртмачининг Юридик хизмати ҳуқуқий экспертизадан ўтказди.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида қуйидагилар аниқланди:

Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу жумладан кодекснинг 37-боб талаблари ҳамда бошқа Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шартномадан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлик меъёри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боб талабларига мувофиқ келади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли баёни, Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 16 майдаги баени (лот 80852) га асосан тузилган.

Мазкур хулоса Шартнома лойиҳаси шартларининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши хусусида берилди.

Бош юрисконсулт



Ш.Батиров

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Танлов комиссияси раиси  
“Умумий фойдаланишдаги автомобиль  
йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш  
дирекцияси” ДУК бош муҳандиси

  
Д. Исаев

**“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йиғилишининг**

**80852/1 - сонли баёни**

Тошкент ш.

“18” май 2022й.

**Комиссия раиси:** Д.Исаев

**Комиссия аъзолари:** Д.Исаев, Э.Исмаилов, Д.Шарипов, С.Маннонов,  
У.Қўнишев, Ғ.Зоҳидов, К.Омонов

**Комиссия котиби:** А.Эсонов

(Дирекциянинг 2021 йил 16 ноябрдаги Танлов комиссиясини ташкил қилиш бўйича 112-Б-сонли буйруғи)

Танловда қатнашган комиссия аъзоларининг сони комиссия умумий сонининг ярмидан кўпини ташкил этганда, яъни “кворум” бўлганда, қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва йиғилиш ўтказилган ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 20,57 моддалари)

Қатнашмадилар: Д.Шарипов.

**Кун тартиби:**

**1. 4P56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналдан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома имзолаш.**

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси Ғ.Зоҳидов маълумот берди.

Дирекциянинг танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 16 майдаги лот-80852-сонли баёнига асосан 4P56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналдан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 2022 йил 5 майдаги Лот №80852 лот номер орқали эълон қилинган энг яхши таклифларни танлашда "Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ энг яхши таклифларни танлаш ёлиби деб эълон қилинди ҳамда энг яхши таклифларни танлаш натижалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари

тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 62-моддасида белгиланган тартибда баённома голиб аниқланган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунига асосан, **4P56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналидан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун "Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ билан шартнома тузиш таклифи берилди.**

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

**4P56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналидан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун "Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома имзолансин.**

Баённи ёзиб борувчи  
комиссия котиб



А.Эсонов

### Комиссия азалари:

Директор ўринбосари



Э.Исмаилов

Техник кузатув ва бажарилган  
ишларни қабул қилиш бўлими  
бошлиғи




С.Маннонов

Шартномалар ва танлов савдоларини  
ташқил этиш бўлими бошлиғи



У.Қўнишев

Лойиҳавий таъминлаш бўлими  
бошлиғи



Ф.Зоҳидов

Етакчи юрисконсулт



К.Омонов

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги  
хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси



2022 йил

**"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларининг лойиҳа-қидирув ишлари бўйича 2022 йил учун**

**МАНЗИЛ РЎЙХАТИ**

(2022 йил 16 май ҳолатига)

(млн. сўм)

№	Лойиҳалаштириладиган объект номи ва манзили	Лойиҳалаштириладиган объект қуввати (мос қийматларда)	Қурилиш ишлари бошланиш ва тугаш йили	Қурилишнинг тахминий ҳисобланган умумий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ТИА, ДТИХ, ТИХ, ИЛ, Л, ИХ, ТХ	ЛҚИнинг объектлар бўйича қиймати	2022 йил 1 январь ҳолатига бажарилган ЛҚИ	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛҚИ нинг қолдиқ қиймати	2022 йилда кутилаётган ЛҚИ	ЛСХ ларини буюртмачига топшириш муддати (йил, ой)	Лойиҳачи учун асос, (тендер, танлов савдолари баёни № ва санаси, ВМ қарорлари, фармойишлари, топшириқлари ва ҳ.к.)	Лойиҳа институти номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 150-228 км қисмини реконструкция қилиш (цементобетон қопламали)	78 км	2021-2023	877 500,0	ТИА, ИХ	20 488,8	15 847,2	4 641,6	4 441,6	2019-2022 йил	ЎзР Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги №7427-хх-сонли баёни	"Ўзйўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
2	4Р12 "Бектемир ш.-Чирчиқ ш.-Ғазалкент ш.-Чорбоғ кўргони" автомобиль йўлининг Чирчиқ шаҳрига кириш қисмида Чирчиқ дарёси устидан ўтувчи янги замонавий кўприк ва автомобиль тоннели қурилиши	160 пм	2022-2023	114 271,8	ИЛ	3 040,9		3 040,9	2 888,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ВМ 02.02.2022 йдаги қарори	"Кўприкқурилиш-лойиҳа" УК
3	4К-253а "Ислоҳ Каримов шоҳ кўчасига" шаҳобча автомобиль йўлидан М39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлига" уланувчи янги йўналишдаги умумий фойдаланишдаги 4 км автомобиль йўли ва 700 пм узунликдаги йўл ўтказгич қуриш	4 км	2022-2024	219 293,5	ИЛ	4 385,9		4 385,9	4 385,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54632-сонли лот бўйича 09.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Boshtransloyiha" АЖ
4	4Р74 "А-380 Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу а/йули-Учқир газ кони" автомобиль йўлининг 5,800 км.дан кесиб ўтувчи коллектор устида кўприк қуриш	73 пм	2022-2023	9 244,4	ИЛ	184,9		184,9	179,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54610-сонли лот бўйича 28.03.2022йдаги танлов комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
5	A-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 368,1 кмда "Унг қирғоқ" коллектори устидан янги кўприк қуриш	60 пм	2022-2024	33 385,3	ИЛ	667,7		667,7	662,7	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54494-сонли лот бўйича 28.03.2022йдаги танлов комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
6	4P48 "Зарафшон тракти" автомобиль йўлининг 270 км.дан М37 "Самарқанд - Бухоро – Туркманбоши" автомобиль йўлига уланадиган 3 км айланма йўлини куриш	3 км	2023	27 432,0	ИЛ	540,0	461,7	78,3	51,3	2021 йил 2022 йил	ЎзР Президенти 2021 йил 21-22 январдаги Бухоро вилоятига ташрифи 4-сонли (29.01.2021й №02-РА1-2003) баёни, ВМ раёсати мажлисининг 27.04.2021йдаги 52-сонли баёни, Танлов ком-яси йиғ-шининг 22.07.2021 йилдаги 194-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Buxoro Geo Road proekt group" МЧЖ
7	A376 "Қўқон-Жиззах" автомобиль йўлининг 246-252 ҳамда 273-282 км қисмини реконструкция қилиш	15 км	2023	130 000,0	ИЛ	941,5	805,0	136,5	89,4	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиғ-шининг 21.10.2021йдаги 239/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
8	4P90 "Қарши ш. - Бешкент ш. - Қамаш қ. - Касби қ. - Косон ш." автомобиль йўлининг 9-11 км қисмини реконструкция қилиш	3 км	2023	34 000,0	ИЛ	516,3	390,7	125,6	102,7	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиғ-шининг 21.10.2021йдаги 238/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
9	A377 "Самарқанд - Анийи" автомобиль йўлининг 9-36 км (1-босқич 34-36 км) қисмини реконструкция қилиш	2 км	2023	23 640,0	ИЛ	440,1	376,3	63,8	41,8	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиғ-шининг 21.10.2021йдаги 240/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
10	M39 Б "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 59 км даги темир йўл устидан ўтган йўл ўтказгични реконструкция қилиш		2022	28 841,0	ИЛ	703,4	538,7	164,8	133,3	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 11.08.2021йилдаги 118-сонли баёни, Танлов комиссияси йиғ-шининг 08.10.2021йилдаги 237/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Ўзйўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
11	4K92 "Андижон ш.-Нефтчилар шаҳарчаси-Тожиқобод қ." автомобиль йўлининг 0-7 км қисмини реконструкция қилиш	7 км	2021- 2022	43 798,3	ИЛ	834,0	699,0	135,0	98,2	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 11.08.2021йилдаги 118-сонли баёни, Танлов комиссияси йиғ-шининг 08.10.2021йилдаги 236/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"MIMAX-ROAD" МЧЖ
12	4P2 "Тошкент шаҳри - Тўйтепа шаҳри - А373 автойўли (55 км) Тошкент ш. - Минерал сувлар сиҳатгоҳи - Абай қ. (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)" автомобиль йўлининг 28,5-35,2 км қисмини қайта куриш	6,7 км	2021- 2022	103 400,2	ИЛ	1 118,3	891,1	227,2	180,3	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов ком-яси йиғ-шининг 21.10.2021йдаги 241/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Ўзйўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
13	4P214 "Наманган ш.-Қозоқовул қ.-Косонсой ш." автомобиль йўлининг 0-13 км қисмини реконструкция қилиш	13 км	2021- 2022	81 945,6	ИЛ	1 235,3	1 059,3	176,1	120,3	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 04.06.2021йдаги 113-сонли баёни, Наманган вил ҳокимининг 03.07.2021йдаги 03/06-26-сонли баёни, Танлов ком-яси йиғ-шининг 08.10.2021йдаги 234/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
14	Сариосиё тумани "Боғча" аҳоли пунктидан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл куриш	78 км	2022- 2026	1 270 833,3	ИЛ	18 000,0		18 000,0	18 000,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ЎзРесп Президенти ташрифининг 2021 йил 14 июндаги 02-РА 1-9900 (30)-сонли баёни, 57092-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Сурхондарёйўллойиҳа" институти МЧЖ
15	M39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўлининг 817-827 км қисмини реконструкция қилиш	10 км	2022- 2023	858 503,5	ИЛ	12 330,0		12 330,0	12 280,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов ком-яси йиғ-шининг 30.03.2022йдаги 2/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
16	M396 "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 34-36 км қисми (Темур Малик кўчаси)ни реконструкция қилиш	2 км	2022-2023	292 686,5	ИЛ	5 400,0		5 400,0	5 350,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов комиссия йиғ-шининг 30.03.2022йдаги 3/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
17	A380 "Ғузор - Бухоро - Нукус - Бейнеу" автомобиль йўлининг 315-490 км ва 581-812 км (шу жумладан 581-698 км) қисмини реконструкция қилиш	117 км	2022	2 336 000,0	ТИА	25 540,0	21 809,8	3 730,2	1 070,0	2021 йил 2022 йил	ПҚ-1103 22.04.2009 й. Ўз.Респ.През.админ. 09.10.2020 йдаги №02-2858 (73)-сонли баёни, Ўз.Респ. ВМ 2020 йил 19 ноябрдаги 144-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
18	4P2 "Тошкент шаҳри-Тўйтепа шаҳри-А373 автойўли (55 км)" автомобиль йўлининг 4P21 "Тошкент айланма автойўли" автомобиль йўли билан кесишган қисмида транспорт ечимини куриш	300 пм	2022-2024	145 985,3	ИЛ	2 919,7		2 919,7	2 919,7	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 57166-сонли лот бўйича 14.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Ўзйўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
19	4P148 "4P115 автомобиль йўли - Янгиқадам қ. - Учуй қ. - Олтиариқ ш. - Чимён қ. - Водил қ." автомобиль йўлининг 36-64 км реконструкция қилиш	28 км	2022-2023	142 761,0	ИЛ	2 853,0	1 982,1	870,8	53,0	2018 йил 2022 йил	Ўз.Р. ВМ 14.03.2017 й. 05-21-23-11 (48) -сонли баёни, Харид комиссиясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Фарғонайўллойиҳа институти" МЧЖ
20	4P112 "Фарғона халқа йўли" автомобиль йўлининг 259-276 км қисмини реконструкция қилиш	17 км	2021-2023	88 541,7	ИЛ	2 075,4	1 880,0	195,4	171,5	2020 йил 2022 йил	ПҚ-2776 14.02.17й. ЎзР ВМнинг 09.09.2019йдаги №05-05/1-1741 -сонли баёни, Харид комиссиясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
21	M396 "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 36-41 км қисмини реконструкция қилиш	5 км	2021-2028	50 000,0	ИЛ	750,0		750,0	50,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори	Танлов
22	Тошкент вилоятида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон боғи" атрофидаги маҳаллий автомобиль йўллари ва йўл ўтказгичларни куриш	3,5 км	2021-2022	150 000,0	ИЛ	2 499,9		2 499,9	2 449,9	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ВМ нинг 2021 йил 14 майдаги қарори	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
23	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш	5 км	2022-2023	29 000,0	ИЛ	213,1		213,1	213,1	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62673-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Qqavtojlojybar" МЧЖ
24	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 752-753 км қисмини реконструкция қилиш	1 км	2022-2023	7 812,9	ИЛ	48,1		48,1	48,1	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62692-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Qqavtojlojybar" МЧЖ
25	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 753-757 км қисмини реконструкция қилиш	4 км	2022-2023	47 850,1	ИЛ	300,0		300,0	300,0	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62698-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Qqavtojlojybar" МЧЖ
26	Қамчиқ ва Резак тоннелларида ёритиш вентиляция ва ёғинга қарши курашиш тизимларини модернизация қилиш	объект	2019-2022	44 163,1	ИЛ	1 390,9	763,2	627,6	627,6	2022 йил	ВМ 31.05.16й. 05-05/83-8-сонли баёни, ВМ 26.11.21й. 05-05/1-466 (22)-сонли баёни	"Гидропроект" АЖ
27	A380 а "Бухоро ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 14,0 км, 16,0 км даги кўприкларни реконструкция қилиш	19,4 пм	2022	2 430,0	ИЛ	48,6		48,6	48,6	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни, 80827-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
28	4K248 "Равот қ.-Ардахшон қ." автомобиль йўлининг ПК7+225 даги кўприкни реконструкция қилиш	20 пм	2022	4 220,0	ИЛ	84,4		84,4	84,4	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни, 80832-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
29	4P92 "Қарши ш.-Толлиқўрғон қ.-Касби ш.-Жуйнов қ.-Помук қ." автомобиль йўлининг 28 км даги зовур кўприкни реконструкция қилиш	36 пм	2022	3 150,0	ИЛ	63,0		63,0	63,0	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни, 80835-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
30	4P56 "Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналидан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш	41 пм	2022	2 500,0	ИЛ	50,0		50,0	50,0	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни, 80852-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
31	4K621 "4P107 автойўли-Сангардак қ." автомобиль йўлининг 8,7 км, 9,3 км, 10,7 км ва 13 км қисмларидаги кўприкларни реконструкция қилиш	66 пм	2022	7 000,0	ИЛ	140,0		140,0	140,0	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни, 80857-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Сурхондарёйўллойиҳа" институти МЧЖ
<b>Жами, шу жумладан:</b>				<b>7 210 189,5</b>				<b>109 803,2</b>	<b>47 504,0</b>	<b>62 299,2</b>	<b>57 295,3</b>	
ҚМИ дан олинган қисми									49 167,0			
Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ўлчов тарозиларини ўрнатиш учун									1 813,6			
Тақсимланмаган маблағ									70 058,1			
<b>Ҳаммаси</b>				<b>7 210 189,5</b>				<b>109 803,2</b>	<b>47 504,0</b>	<b>62 299,2</b>	<b>129 167,0</b>	

6719,6

**"КИРИТИЛДИ"**

"Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш

Дирекцияси" ДУК

Д.Юсупов

2022 йил



**"КЕЛИШИЛДИ"**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

С.Садуллаев

2022 йил

*(Handwritten signature)*

**"КЕЛИШИЛДИ"**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш вазирлиги

А.Бобоев

2022 йил

*(Handwritten signature)*

*(Handwritten signature)*  
20.05.22 а.